

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 20 декабр, сешанба № 201 (2042)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан унинг мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш дастурини тайёрлаш мақсадида:

1. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси иловага мувофиқ ташкил этилсин.
2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев): вазирлик ва идоралар, ҳужалик бошқарув органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун киритсин; республиканинг етакчи мутахассис ва олимлари, кенг жамоатчилик вакилла-

рени жалб этган ҳолда, дастурни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳини ташкил этсин.

3. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини шакллантиришда уни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари аниқ белгилаб қўйилсин ва кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мамлакатимизда ҳомийларнинг мақоми ва ижтимоий нуфузини мустаҳкамлаш бўйича зарур қонуний ҳуқуқий базани яратиш, ҳомийлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш учун зарур имтиёзлар бериш; пировард натижада аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қиладиган тиббиёт қодимлари учун муносиб меҳнат шaroитини шакллантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини кўтаришга йўналтирилган меҳнатни рағбатлантиришнинг янги тизимини жорий этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги, биринчи навбатда кишлоқ жойлардаги тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам мустаҳкамлаб бориш, уларни замонавий диагностика ва тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат хайрия ташкилотлари ҳамда халқаро молиявий ва инсонпарварлик ташкилотларининг

маблагларини жалб қилишни назарда тутган ҳолда Дастурни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаш;

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг мақсади ва аҳамиятини, шунингдек муҳтож фўқорлар ва оила-ларга меҳр-муруват ва савоҳат кўрсатганларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий нуфузини ошириш бўйича аҳолининг кенг қатламлари ўртасида, айниқса, маҳаллар ва оммавий ахборот воситаларида ҳар томонлама тушунириш ишларини амалга ошириш.

4. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 16 декабр

Мустақиллик йилларида Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ғалла мустақиллигига эришилди ва бу донни қайта ишловчи корхоналар фаолиятини тақомиллаштиришни тақозо этди. Шу боис Фарғона вилоятидаги ана шундай корхоналарда замон талабларига мос мақсулот ишлаб чиқариш мақсадида янги технологиялар жорий этилмоқда.

ГУРИЛЛАЙВЕР ТЕГИРМОН

Ўтган йили «Фарғонадон» акционерлик жамиятининг тегирмони янгидан барпо этилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бу йил эса «Бағдоддонмақсулотлари» акционерлик жамияти тўлиқ реконструкция қилиниб, дастлабки мақсулотларни ишлаб чиқара бошлади. Икки миллиард сўмлик мақсулот эвазига корхона энг замонавий технологиялар билан жиҳозланди.

Натижада энергия сарфи қисқарди, мақсулотларининг сифат даражаси кескин яхшиланди, - дейди жамият бошқарув раисининг ўринбосари Бахтиёржон Уринов. - Тегирмонимиз бир кунда 250 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозир бу ерда 500 нафар йигит-қиз меҳнат қилипти. Йилни 600 миллион сўмдан ортиқ даромад билан яқунлаш арафасида турибмиз.

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Донишманд бир зотдан сўрашди: Дунёда энг самимий ва беғубор инсон ким?

- Бола, - деб жавоб берибди аллома.

- Инсон ҳаётининг мазмуни нимада?

- Болаликдаги тарбияда.

- Энг катта бойлик қаерда?

- Болалари соғлом, баркамол юртада.

Дарҳақиқат, болалар миллатнинг умид юлдузларидир. Уларнинг камолида Ватан истиқболи яшайди. Болаликда инсон руҳида, онгида шаклланиб одатлар эса бутун умрга татийди. Шу боис жаҳон футбол юлдузи - Пеле «мени тарбиялаган устозим - болалик» деса, Лев Толстой «барча таассуротларим беш ёшгача олган таассуротларим йиғиндиси» дея болаликнинг қайтмас онларининг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Халқимизнинг орузси, мақсади соғлом, баркамол фарзанд тарбиялаб, элга қўшишдир.

ларининг икки йилда бир марта ўтказиладиган «Баркамол авлод» республика спорт ўйинларининг саралаш босқичида 645 мингдан зиёд ўқувчилар спортнинг турли соҳаларида ўзаро беллашдилар. Нафақат йирик шаҳарларда, балки олис туман қишлоқларда ҳам ушбу спорт мусобақаси туйғайли замонавий ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланган спорт мажмуалари, зал ва майдончалари барпо этилди. Уларда кўплаб ўқувчи-ёшлар тажрибали мураббийлар қўлида ўзларининг сеvimли спорт турлари билан шуғулланмоқдалар. Ана шу мусобақаларда голиб чиққан 2170 нафар энг кучли спортчилар «Баркамол авлод» ўйинларининг финал босқичларида қатнашдилар.

Республика касаба уюшмаларининг жисмоний тарбия - соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ривожлантиришнинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган комплекс дастури асосида меҳнатқашлар ва ёшлар, айниқса, аёллар ўртасида спортни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб ке-

Касаба уюшмалари ҳам бир ёндан

Мустақиллик туйғайли соғлом авлодни камолга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Соғлом оилани рағбатлантириш, давлат, жамият, оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътиборни кучайтириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши учун шарт-шaroитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўлароқ юзлаб замонавий спорт мажмуалари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Спортчиларимиз Олимпия ўйинлари, китъа ва жаҳон чемпионатларида муваффақият қатнашиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтардилар.

Миллий кадрларимизни ўзида мўжассам этган спорт турга - ўзбек курашининг халқаро миқёсга чиқиши ҳам бу борадаги улкан саяё-ҳаракатлар мевасидир.

лаётгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Бугунги кунда касаба уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамиятига 1,5 миллиондан ортиқ киши аъзо. Фаолият кўрсатиб келаётган секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида 623 минг 733 нафар ишчи-ҳодимлар, талаба-ёшлар мунтазам шуғулланишмоқда.

Касаба уюшмалари тизимида 67 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан, 18 та Олимпия захираларини тайёрлаш мақсул мактаблари мавжуд бўлиб, уларда тахсил олаётган қарийб 20 минг тарбияланувчиларга 784 нафар малакали мураббийлар тахсил беришмоқда.

Усиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, кучли, бақувват, мард ва жасур қилиб тарбиялашда, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта. Чунки спорт саломатлик ва гузаллик рамзидир. Болалар қалбида жисмоний тарбияга меҳр уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли олами бошлаб бориш жисмоний ва маънавий камолотга эришишга муҳим замин яратди. Шу маънода бу борада Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тўзиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришда тама-л тошини қўйди, деб айта оламиз. Шунингдек, ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этиш бўйича уч босқичли ўзига хос тизим шаклланди. Бу мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик-лицей ва коллежалар ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ва олий ўқув юрталари талабаларининг «Универсиада»дан иборат спорт мусобақаларидир. Мамлакатимизда яратилган мазкур тизим дунёда янги педагогик технология сифатида эътироф этилмоқда. Қолаверса, бу тизим Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисмини ташкил этади. Ушбу дастурни амалга ошириш тажрибаси эса бугун кўплаб давлатлар мутахассислари томонидан алоҳида қизиқиш билан ўрганилаётганлиги айна ҳақиқатдир.

Жисмоний тарбия ва спорт жамиятлар иштирокида 29 та стадион, 12 та спорт заллари, 12 та сузиш ҳавзалари, 50 та спорт майдончалари мавжуд. Охириги беш йил мобайнида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида болалар учун шaroитлар яратишда катта ишлар қилинди. 2002 йилда республикамизнинг энг жанубий ҳудудидagi Термиз шаҳри болалари учун барча шарт-шaroитларга эга бўлган замонавий спорт мажмуалари, 2004 йилда Тошкент шаҳрида «Яқкасарой» спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. 2004 йилда ҳокимият билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида жаҳон андозларига жавоб берадиган сузиш ҳавзаси қурилди. Ҳозирда Қарши, Гулистон шаҳарларидаги ўйингоҳларда реконструкция ишлари олиб боришмоқда.

Навоий шаҳрида болалар учун спорт зали фойдаланишга топширилди. Ўтган беш йилда соғломлаштириш, спорт мажмуалари, болалар учун сузиш ҳавзаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларида 9 миллиард сўм атрофида маблағ йўналтирилди. Шунингдек, турли спорт мусобақаларини ташкиллаштириш, уларни юксак савидага ўтказиш, голибларни рағбатлантиришда касаба уюшмалари бош-қош бўлди ва асосий ҳомийлар қаторида турди.

Хуллас, мамлакатимизда ҳар жиҳатдан етак, она Ватанга меҳру муҳаббат билан, баркамол авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган беқиёс саяё-ҳаракатлар замирида эзгу мақсад мўжассамлашган. Зеро, буюк давлатнинг фақат соғлом миллат, соғлом авлодига бапто этишга қодир. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртининг фарзандлари соғлом бўлади».


Фаолларимиз

Болта Гаффаров чин маънода ҳақиқий касаба уюшма фаолларидан. Унинг соҳа спортини ривожлантиришда улкан хизмати бор.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган спартакиада минбаридан айтилган бу сўзлар нафақат Б.Гаффаровни, балки у киши билан ишлаган кишилар қалбини қувонгча тўлдирди. Оз эмас, сал кам 40 йилдан бунён касаба уюшмалари спортини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган кишига ҳавас қилмай бўладими.

ФИДОЙИ

Биз фидойи деганда инсоннинг аввало ўз Ватанига, туйғайли ўсган юртига, оила аъзолари, касбига, устоз шогирдларига садоқатини тушунамиз. Болта акада бу сифатларнинг барчаси мўжассам.



Мен дастлабки машғулотларни Болта акадан ўрганганман, - дейди шифоконлик касаба уюшма фаолларидан бири Анвар Шарипов. - 1986-88 йилларда тармоқ касаба уюшмаси жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида ишлаганман. Ундаги инсоний фазилатлар, касбга бўлган садоқат сингари жиҳатларни кадрлашимиз керак. Токи, буларнинг барчаси келгуси авлодлар учун бир мактаб бўлиб қолсин.

Фаоллар ҳақида мақола ёзиш ниятимиз борлигини Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Максуд Шукуровга билдирганимизда, бизни ҳеч икчиланмай, Болта Гаффаров хонасига бошладим. Пештоқига «Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси» деб ёзилган хонага кираредидида столда шахмат доналари терилган. Саломликдан сўнг йирикчи Халимжон Тураев бизга ўтиришга жой кўрсатиб, Болта ака ҳали замон келиб қолишларини айтиди. Кенг ва ёруғ хонага разм соламиз. Касаба уюшма спортчиларининг қатор йилларда қўлга киритган ютуқларини исботловчи фахрий ёрлик, кубокларга қузнингиз тушади. Бевозталанаётганимизни сезган ҳамроҳимизи вазиетини юмшатишга бўлди, шекилли. «Болта аканинг бир одатини айтишни унутибман. Бирон бир сафардан қайтсалар, албатта, касаба уюшмасидагилар билан ҳолаҳволашмасалар кўнгиллари тўлмайди. Чирчиқда ўтказилган спартакиадан муваффақиятли қайтганлари учун ҳамкасблари табриклашаётган бўлса керак» деди.

Кўп ўтмай, хонага кексаларга хос юришлар билан юзларидан нур таралиб тур-

чи ўринни эгаллади. Тинимсиз меҳнат бесамар кетмади. Мамлакат чемпиони ҳамда Республика кубогини олишга муваффақ бўлган «Ситора» хоккейчи қизлар жамоасининг шаклланишига ўша кезларда қадам қўйилди. Жамоа муваффақиятга эришган, Болта Гаффаровга ҳам «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилганлиги барчаси қувонтирди.

У ишдан ажралмаган ҳолда ўз билимини ошириш пайида бўлди. 24 ёшида Бухоро Давлат педагогика олийгоҳини, 32 ёшида Республика жисмоний тарбия институтини тугаллади.

1987 йил бошларидан вилоят касаба уюшмалари кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси этиб сайланди. Шу даврда касаба уюшма спортни яхши-лашиб, жисмоний тарбия ташкилотлари сафлари анча мустаҳкамланди. Кўнгилли спорт жамияти, тармоқ касабаси уюшмаси кўмиталари билан шартномалар тузиб, турли спорт мусобақалари бўйича спартакиадалар ўтказди. Устознинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда муваффақиятларга эришган шогирдлари тайлагина. Самбо кураши бўйича Жаҳон чемпиони Шухрат Ҳужаев, Ботир Турдиев, Шухрат Очиллов, Рауф Болтаев, энгил атлетика бўйича Австралиядан ўтказилган олимпияда ўинлари қатнашчиси Шавкат Шарипов, бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони Жамол Иброҳимов, Шухрат Саъдиевлар Болта ака билан ҳақли равишда фахрланади.

Ешлари бир жойга бориб қолган Болта Гаффаровни «отaxon» дейишга истиҳол килдик. Юзларидagi қувноқлик, камтарлиги, одамхушлиги, қулиб гапиришлари, ёшларга хос хусусиятлари лол қолдирди. Турмуш ўртоғи Назира опа билан фарзандлари камоли йўлида меҳнат қилаётган қаҳрамонимиз айна пайтда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мажмуа-мактабига раҳбарлик қилмоқда.

Уни гоҳ кесалар, гоҳ ноғиронлар, ўзи истикомат қилаётган «Дустлик» маҳалласидаги 21- ва 23- мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашиб турганлигида учратасиз. Ушбу мактабларда спортнинг теннис, минчи футбол, қўл тўпи, энгил атлетика турларини ривожлантириб, келажагимиз эгаларини спортга қизиқтиришда Болта аканинг меҳнатлари кўп сингтан.

Ш. СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири

РОССИЯ КОМПАНИЯСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимизда Россиянинг «Русский торговый дом» компанияси тақдимоти ўтказилди. Таъдир Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, Россиянинг қатор фирма ва компаниялари вакиллари, таъдиркорлар ва журналистлар иштирок этди.

Таъдирда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуварларида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, ёқилги энергетикаси каби соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг шу йил ноябр ойида Москвада бўлиб ўтган учрашуварига эришилган келишувлар муносабатларимизни янги даражага кўтарди.

«Русский торговый дом» компанияси Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ихтисослашган. Компания раҳбари Роман Эмануиловнинг таъкидлашича, ташкилотнинг юртимизда амалга ошириши режалаштирган мақсад ва вазифалари қўламини кенг. Энергетика, энгил саноат, нефт-газ, тоғ-кон, кимё, машина-созлик, қишлоқ хўжалиги мақсулотларини қайта ишлаш, ирригация ва мелиорация соҳаларида қатор қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, товар айирбошлаш ҳажмини кенгайтириш, шунингдек, углеводород хомашёси, пахта, қурилиш материаллари, озиқ-овқат мақсулотлари, халқ истеъмоли молларини етказиб бериш ишлари шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакики, айна пайтда Россия сармояси иштирокида тузилган тўрт юздан ортиқ қўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик саноатида, халқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқларида фаолият кўрсатмоқда. Россияда эса Ўзбекистон сармояси билан ташкил этилган 267 қўшма корхона фаолият юритаётир.

(ЎЗА)



Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Бўка туман электр тармоқлари корхонасида киши таъдирлар бекаму кўст амалга оширилмоқда. Лекин, шунга қарамай туман миқёсида аҳоли ва юридик мақомга эга бўлган шахсларнинг қарздорлиги юқори-лигича қолмоқда. Бунни бартараф этиш борасида таъсирчан чора таъдирлар ишлаб чиқилганиги натижасида дебиторлик қарзларининг камайишига эришилди. Суратларда: электр тармоқлари корхонасида. С. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, вилоятимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурига мувофиқ

дастурига киритилган 6 та янги қурилиш, 4 та реконструкция ва 6 та мактаблардаги объектларга жами

АЖОЙИБ ИНШОТЛАР улардан қандай фойдаланиляпти

вилоятнинг 6 та туманида, яъни Чортоқ, Уйчи, Чуст, Мингбулоқ, Косонсой ва Наманган туманларида янги спорт иншоотлари қурилиши кўзда тутилган. Мактабларда спорт заллари қуриш, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Уйчи ва Чуст туманларида эса реконструкция объектлари режалаштирилган.

Манзиллий дастурга киритилган янги қурилиш объектларидан Чортоқ туманидаги Пешқўрқон, Чуст туманидаги Варзик, Мингбулоқ туманидаги Гуртёпа, Косонсой туманидаги Гулистон ҳамда Наманган тумани ҳудудидаги Бешкапа қишлоқ спорт мажмуалари белгиланган муддатда фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Уйчи туманидаги Машад қишлоқ спорт мажмуаси қурилиши бошланади.

Бундан ташқари, реконструкция объектларидан Тўрақўрғон туманидаги гимнастика зали, Учқўрғон туманидаги «Учқўрғондон маҳсулот» ЖШНнинг спорт мажмуаси, Уйчи туманидаги Бирлашган ва Чуст туманидаги Фова қишлоқларидаги футбол майдонлари муддатда Давлат қабул комиссияси томонидан тасдиқланган далолатномага асосан фойдаланишга қабул қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 321-сонли қарори асосида вилоятнинг Мингбулоқ, Наманган, Поп, Тўрақўрғон ва Янгикўрғон туманларидаги 6 та умумтаълим мактаблари учун янги спорт заллари қуриб фойдаланишга топширилди.

Жорий йил манзиллий

1404,4 миллион сўм молиялаштирилган бўлиб, шундан 535,3 миллион сўм республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтказиб берилди.

Эшик қоқабтган 2006 йил учун дастурга асосан вилоятнинг Поп ва Учқўрғон туманларида жамғарма маблағлари ҳисобидан янги спорт мажмуалари қурилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Наманган шаҳридаги 18, Янгикўрғон туманидаги 44, Норин туманидаги 16-мактаб, Уйчи туманидаги 16, Наманган туманидаги 41 ва Тўрақўрғон туманидаги 51-мактабларга жами 6 та янги спорт заллари қурилиши белгиланган.

Наманган шаҳридаги «Атанган гузар» маҳалла футбол ўйингоҳи, Чортоқ туманининг Богистон қишлоғидаги 115- мактаб-интернат спорт зали, Наманган туманидаги Зарбдор ширкат ҳужалигининг клуб биноси, Тўрақўрғон туманидаги 10-БЎСМ спорт зали, Мингбулоқ туманидаги теннис корти, Норин туманидаги У.Юсупов номи маҳалладаги спорт мажмуаси жами 6 та реконструкция объектлари 2006 йил дастурига киритилган.

2006 йил манзиллий дастурига киритилган 3 та янги қурилиш, 9 та реконструкция ҳамда 8 та мактабларга спорт заллари қурилиш объектларига сарфланиши режалаштирилган 1 млрд. 259 млн. сўмдан зиёд маблағнинг 641 миллион сўми республика жамғармасидан ажратилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда ушбу объектларнинг лойиҳа-нархлов ҳужжатларини

тайёрлашга киришилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган барча спорт мажмуалари ва иншоотлари жойлардаги ҳокимлик ва бошқарув органлари томонидан тасвир этилган малакали кадрлар билан таъминланди.

Халқ таълими вазири-

фойдаланишга топширилган объектларнинг барчасида спорт турлари бўйича спорт тўғраклари ташкил этилиб, ёшларни, айниқса, қиз болаларни спортга кўпроқ жалб этиш чоралари қурилди.

Вилоятдаги барча янги қурилган ва реконструкция қилинган спорт иншоотларида ҳозирги кунда 143 та янги спорт тўғраклари ташкил этилди. Ушбу тўғрақларда 1620 нафар ёшлар спорт билан мунтазам шугулланиб келмоқда, уларнинг 540 нафарини қизлар ташкил этади. Янги спорт тўғрақларида ёшларни бадий гимнастика, акробатика, от спорти, миллий кураш, қиличбозлик, теннис каби спортнинг истиқболли турлари билан шугулланишларига эътибор кучайтирилмоқда. Жамғарманинг вилоят филиали ва жамоатчи ташкилотлар ҳамкорлигида вилоятда 20 дан ортиқ турли спорт мусобақалари ва тадбирлари ўтказилди.

Спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражасини ўрганиш бўйича вилоятда «Бола-

нинг 2005 йил 13 майдаги «Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини кадрлар билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги буйруғига асосан жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини тайёрлайдиган олимпия захиралари коллежлари битирувчиларини мураббийлик лавозимига ишга қабул қилиш йўлга қўйилди.

Вилоятда болалар спортини ривожлантириш ҳолатининг тўрт йўналиш бўйича таҳлили ўрганиб чиқилди. Унга кўра 2005-2006 ўқув йилида 6 ёш-

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Андижон ва Наманган вилоятларида бу борада ибратли тадбирлар амалга ошириляпти

дан 17 ёшга бўлган жами ўқувчилар сони 489900 нафарни ташкил этиб, улардан 180350 нафари ёки 36,8 фоизи жисмоний тарбия билан шугулланмоқда.

Ушбу таҳлилдан келиб чиқиб, ўтган икки йил давомида спортнинг 21 тури бўйича вилоятда 852 та янги спорт тўғрақлари ташкил этилди, уларга 17000 нафардан зиёд ёшлар жалб этилди. Уларнинг 27 фоизини қизлар ташкил этади.

2003-2005 йиллар учун тасдиқланган манзиллий дастурларга киритилган ва

лар спорт иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши, улар қувватидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш бўйича семинар кенгаши ҳамда Халқ таълими вазири раҳбарлигининг таълим муассасалари бошлиқлари иштирокида «Очқ эшиклар кўни» ўтказилди.

Ибодулла ЖАББОРОВ,
Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Наманган вилоти бўйича ижрочи директори

ВАТАНИ ШАРАФЛАШДАН УЛУҒРОҚ БАХТ ЙЎҚ


Спортнинг муай-тай тури билан бир неча йилдан буён шугулланиб келаман. Мураббий Бахтиёр ака Матбобоевнинг сазй-ҳаракати билан муай-тай Пойтуғ шаҳрида биринчи ракамли спорт турига айланди. Ўзбекистон терма жамоаси сафида ҳамшаҳарларимизнинг ҳам борлиги ушбу фикрни тасдиқлайди. Айниқса, жамоадошим Мавлон Қаҳҳоров эришган натижалар мактовга сазовордир.

Хар бир спортчи ўз юрти шарафини учун майдонга чиққанда, унинг кўзига аввало Ватани, маҳалласи, ота-онаси, қариндош-уруғлари гавдаланар экан. Бу ҳисни фақатгина ўз бошидан ўтказган инсонларгина тушуна олади. Хар гал хур юрт байроғи юқори кўтарилиб, Она-Ўзбекистон мадҳияси янграганида, юрагим озиқиб кетади.

Муай-тай бўйича Таиландда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида голиблик шохсупасига кўтарилганимда кўзларим қувонч ёшларига тўлди. Шунда юртимизда спортни ривожлантириш учун фидойилик кўрсатаётган инсонлар меҳнати бесамар кетмаганига амин бўлдим ва албатта, шу дамда дунёда ватан шарафидан улуг туйғу йўқ эканлигини англадим.

Ораўйим бор кучимни сафарбар этиб, жаҳон чемпионатларида ҳам зафар кучиш, она-ватаним байроғини сарбаланд этиш.

Дилшод МИРЗАЕВ,
Муай-тай бўйича республика ва Осиё ўйинлари голиби



Дил ишхори

конструкция қилинди. Бунинг учун болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан маблағ ажратилди. Умуман, жорий йилда 6 та мактаб капитал таъмирланди, битта мактаб янгидан қурилди. Албатта кўп нарсани кадрлар ҳал қилади. Туманимизда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаётган 169 нафар мутахассис бор. Уларнинг 42 нафари аёллар эканлиги қизларни спортга жалб этишда муҳим рол ўйнамоқда.

Шунингдек, спортнинг муай-тай йўналишида ҳам ёшларимиз Осиё чемпионатларида совриндорлар сафидан жой олишмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Изобскан тумани тарбияланувчилари Мавлон Қаҳҳоров ҳамда Дилшод Мирзаевларнинг эришган ютуқлари бунга ёрдам берди. Улар Таиландда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида 1 та олтин ва 1 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг очими болалар спорти раёнада муҳим рол ўйнайди, албатта. Гап шундаки баъзи мактабларимизда алоҳида электр станциялари мавжуд эмас. Шу боис иситиш системаси ҳамда ёритиш масалаларида анча муаммолар бор. Чунки, электр тизими аҳоли турар-жойлари билан бирга уланган мактабларда жисмоний тарбия дарсларини ўтиш анча қийин. Яна бир масала, бу жисмоний тарбия фани мутахассисларининг етишмаслигидир. Баъзи мактабларда бу соҳада харбий таълим ўқитувчиларидан фойдаланилмоқда.

Мавжуд муаммоларни қанча тез ҳал этсак, соғлом ва баркамол авлодини тарбиялашдек муҳим масалада шунчалик олға одим ташлаймиз.

Б.МАТБОБОВ,
Изобскан тумани Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассиси


ҲОМИЙЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛГАН

Водий гавҳари Андижон барча соҳаларда ўзининг етуқ фарзандлари билан ҳақиқи равишда фахрланади. Мамлакатни дунёга танитган кўнгина спортчилар шу гўшада камол топган.

Спортнинг биргина бокс турида жаҳон ва Олимпия ўйинлари голиби Мухаммадқодир Абдуллаев, Афина Олимпиадаси совриндори Уткирбек Хайдаров, жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, жаҳон чемпиони совриндори Баходир Султоновларнинг номи тилга олиш кифоя. Улар жаҳон майдонларида хур юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Хўш, уларнинг издошлари бўлиши бугунги ёшларимиз бу борада қандай имконият ва шароитларга эга. Уларнинг соғлом ва етуқ спортчилар бўлиб камол топиши учун бугун нимага кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим? Яқинда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида қатор камчилик ва муаммолар тилга олинди, болалар спорти инфратузилмаси

янада кенг кўлам касб этиши, қизларни машғулотларга кенг жалб қилиниши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айни пайтда кўтарилган масалалар жой-



ларда ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Бу йил 23-умумтаълим мактабида янги спорт зали қуриб фойдаланишга топширилди. Бу мактабда ёпиқ ҳамда очиқ спорт майдончасида футбол, баскетбол, волейбол, теннис билан шугулланиш учун барча шароитлар муҳайё этилди. 6-, 11-, 2-, 4-умумтаълим мактабларида спорт зали ре-

Туманимизда ҳомийлик йўли билан қурилган спорт иншоотлари талайгина. Шу ўринда Пойтуғ шаҳрида фаолият юритаётган ака-ука Мамажоновлар бунёд этган

кураш залини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда спортнинг юнон-рум кураши билан мунтазам шугулланиш имконияти мавжуд. Бу йил ака-укалар яна бир хайри ишга қўл урдилар. Ўз маблағларидан 120 ўринли замонавий меҳмонхона қуриб фойдаланишга топширдилар ҳамда курашчи ёшларга 1 миллион сўмлик спорт кийимлари олиб бердилар. Дар-

ГЎЗАЛЛИК МАЛИКАЛАРИ

Хар йили пойтахтимизда дунёнинг етуқ спортчилари иштирокида «Шарқ гўзали» жаҳон чемпионати босқич баҳслари ўтказиб келинади. Алёна Аршавина, Алина Кабаева каби жаҳон юлдузларининг иштироки ёш қизларимизда бу спорт турига муҳаббат уйғотишда муҳим рол ўйнапти.

Шу ўринда туманимизда фаолият кўрсатаётган «Бадий гимнастика зали» ёш қизларимизнинг севимли масканига айланганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Жорий йилда бу спорт зали қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Спорт залини таъмирлаш учун 28 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, унинг 15 миллион сўми Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳисобидан, қолган 13 миллион сўми эса туман ички имкониятлари маблағларидан қопланди. Бугун бу ерда 150 дан зиёд қиз болалар етуқ мураббийлар кўмагида бадий гимнастика сир-асрорларини ўрганишмоқда.

Спортнинг бошқа турларини ривожлантиришда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жорий йилда спортнинг 10 та тури бўйича 98 та тўга-

рақлар ташкил этилиб, 1132 нафар мактаб ўқувчилари бу ерда ўз маҳоратларини оширишмоқда. Янги қурилган ва реконструкция қилинган спорт иншоотларини спорт хизматлари билан таъминлаш мақсадида жамғарманинг вилоят филиали ҳисобидан 17 миллион сўмлик спорт хизматлари ва анжомлари олиб берилди.

Маълумки, келаси йили «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг Республика босқичи ўтказилади. Туманда бу ўйинларнинг мактаб ҳамда ҳудудий босқичлари ўтказилди. Энди мусобақанинг туман босқичини ўтказиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Спортчи ёшларимиз кўрсатилган гамхўрликларга эришган ютуқлари билан жавоб бермоқда. Таъқван-до бўйича илк маротаба ўтказилган «Чемпионлик камари» учун катталар ўртасида Республика чемпионатида туманимиз вакили Нодирбек Жумаев



голибликни қўлга киритди. «Турон» яқка кураши бўйича тўрт нафар спортчимиз Республика чемпионатида совриндорлар сафидан жой олди.

Хуллас, эришилган ютуқлар замирида мамлакатимизда болалар спортига берилётган юксак эътибор ҳамда мураббийларнинг самарали меҳнатлари ётибди. Келажгимиз бўлиши ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдек муҳим вазифа ҳеч кимни берафқ қолдирмайди

О. БАННОВЕВ,
Тўрақўрғон тумани халқ таълими бўлими мудири

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, янги қурилган болалар спорт иншоотлари самардорлигини ошириш, жисмоний тарбия дарслари сифатини юксалтириш, жойларда мутахассис кадрларни жалб этиш каби масалаларга кейинги пайтларда жиддий эътибор бера бошланди.

Туманимизда халқ таълими бўлими тасарруфидида 31 та умумтаълим мактаби, 2 та ихтисослаштирилган мактаб, 1 та санаторий-интернат мактаби мавжуд бўлиб, уларда жами 25610 нафар ўқувчилар таълим олади. 4 та мактабдан ташқари муассасалар, 71 та тўғрақларда 2680 нафар ўқувчилар хар хил спорт турларига жалб қилинган.

Умумтаълим мактабларида 24400 нафар ўқувчилар жисмоний тарбия билан шугулланишмоқда. Улардан 12 миң нафарини қизлар ташкил қилади. 220 та спорт тўғрақларида дарсдан кейин 10200 нафар ўсмир

ва қизлар машғул. Умумтаълим мактабларида жами 115 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари бўлиб, 50 нафари олий маълумотли, 35 нафари ўрта махус, 25 нафари тўлиқсиз олий маълумотли ходимларни ташкил этади. Туманимизда битта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та болалар ва ўсмирлар футбол мактаби бўлиб, бунда 34 нафар мураббийлар 1200 нафар ўқувчиларга спорт сирларини ўргатиб келишмоқда.


Республика халқ таълими вазирилик ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан туманимизда 2004-2005 ўқув йилида

Кулла қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидидаги 9-умумтаълим мактабида умумий қиймати 121 миллион сўм булган шинамгина спорт зали фойдаланишга топширилди. Ушбу спорт зал учун спорт анжомлари келтирилди. Тумандаги 3-, 19-мактабларнинг спорт заллари тўла таъмирдан чиқарилди.

Утган ўқув йилида 28-умумтаълим мактабига умумий қиймати 3 миллион сўмлик хар хил тренажёрлар таъширилди. Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан «Ез-2005» спорт мусобақаларини юқори савидада ўтказиш учун 2 миллион 500 миң сўмлик тўплар олиниб, барча

мактабларга тарқатилди. Хар бир туманининг ўзига хос жиҳати бўлади. Бизда спортнинг волейбол тури кенг оммалашган бўлиб, республика мусобақаларида совриндорлар сафидан ўрин олиб келётганимиз ҳам бежиз эмас. Жумладан, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида ўсмирларимиз 2002 йил Фарғона вилотида Республика биринчилигида 4-ўрин, 2003 йил Хоразм шаҳрида 3-ўринни эгаллашди. Айни кунларда келгуси йили Қарши шаҳрида бўлиб ўтадиган «Умид ниҳоллари» 2006 спорт мусобақаларининг Республика босқичида иштирок этиш учун туманда спортнинг волейбол, баскетбол, белбоғли кураш, стол тенниси турлари бўйича пухта тайёргарлик қўрилмоқда.

К.ЗИКИРОВ,
Булоқбоши тумани Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакили



ҚВПЛАР – ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

2006 йилда Андижон вилоятининг Мархамат тумани ҳудудда учта янги қишлоқ врачлик пунктнинг қурилиши режалаштирилган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан «Туркистон-пресс» ахборот агентлигига маълум қилишларича, 133,5 минг аҳолиси бўлган Мархамат туманида бешта шифохона, учта поликлиника ва 23та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

«Сихат-саломатлик» йилида «Саломатлик-2» дастури доирасида Жаҳон банки кредитлари ҳисобига янги қурилган «Кичик Найман», «Шўрқақир», «Давкар» қишлоқ врачлик пунктлари замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Улар малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланди.

Жорий йилнинг бошидан бўён 50 нафар шифокор ва 200 га яқин тиббиёт ходими Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг қайта тайёрлаш курсларида ва Андижон Давлат тиббиёт институтида ўз малакаларини оширишди.

«Туркистон-пресс»



Қўшқўпир туманидаги пахта тозалаш корхонасига қарашли уруғлик чигит тайёрлаш цехи катта ҳажмли ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда ҳар йили 2200 тонна уруғлик чигит тайёрланиб, Қўшқўпир, Гурлан, Шовот ва Хива туманлари пахтакорларига етказиб берилди.

Иш жараёнида замонавий ускуналардан фойдаланилаётганлиги яхши самара бермоқда. Цех Испания технологияси асосида жиҳозланган бўлиб, кам туғли уруғлик чигитларни саралаш, дориллаш ва қоплаш автоматик линияси ишлаб турибди.

Бу ерда 40 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларга ишлаш ва дам олишлари учун етарли шароит яратилган. Махсус кийим-бош билан тулик таъминланишган. Меҳнатқашлар

Савол: меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини қимларга қанча миқдорда тўланиши ва қайси ҳолатларда тўланмаслиги тўғрисида маълумот берсангиз.

З.ШОМУРОДОВ, Косонсой тумани

Жавоб: Ўзбекистон Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғи билан Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган. Ушбу Низом 2002 йилнинг май ойида Ўзбекистон Адлия вазирлигидан 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Бу Низомга асосан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилди:

- а) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда;
- б) санаторий-курортларда даволанганда, агар асосий ва қўшимча таътил ҳодимнинг санаторийда даволаниши учун етарли бўлмаса;
- в) касалланган оила аъзосини парваришlash зарур бўлганда;
- г) карантин даври;
- д) сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
- е) меҳнат қобилиятини

тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда берилган вақтинча, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади. Бу нафақа иш стажининг давомийлигидан қатъий назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди қуйидаги ҳолларда тўланади:

- ишлаётган II жаҳон уруши қатнашчиларига;
- байналмилал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;
- қарамогиди 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ва ундан ортик болалари бўлган ходимларга;
- Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;
- Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;
- меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

Низомда нафақанинг миқдори ходимнинг умумий иш стажига қараб белгиланиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, анкологик касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра) касаллиги, рухий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий сугурта бадалли тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлиги

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

ларда тўланади:
 а) умумий иш стажига 8 йил бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга – иш ҳақининг 80 фоизи миқдориди;
 б) умумий иш стажига 8 йилгача бўлган ходимларга – иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди;
 Низомнинг 4-бандига асосан меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда (МКнинг 67-моддаси) кейин бир ой ичида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомилдорлик ва ту-

бўлган ҳоллар ҳам кўрсатиб ўтилган.
 Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги даврларга тўғри келган тақдирда тўланмайди:
 иш ҳақи сақланмаган таътил даврида;
 иш вақтинча тўхтатилганда; ҳарбий ўқув ёки текширув йиғини даврида;
 болани парваришlash бўйича таътил даврида;
 ходим ишдан четлаштирилиб, иш ҳақи тўлаш тўхтатиб қўйилганлиги сабабли ишламаганда;

тида жараҳатланганда; гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида касалликка чалинганда, жараҳатланганда; суд қарори асосида мажбурий даволашга юборилганда (рухий касалликлардан ташқари); хибсада бўлган вақтида; суд-тиббиёт экспертизасидан ўтиш даврида.

Нафақалар ходимнинг иш жойидан қорхонанинг ижтимоий сугурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссия бўлмаган қорхонада нафақалар иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан тайинланади.

Агар ходим вакил қилинган ижтимоий сугурта комиссияси аъзоси томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлса, у бу масалада туман ва шаҳар солиқ органларига ва ижтимоий таъминот бўлимларига шикоят қилиши мумкин. Ходимга нафақаларни нотўғри ҳисоблаш ва белгиллаш ҳамда тўлаш устидан туман, шаҳар судига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Жавоб ЎзКУФК ҳуқуқшунослари билан ҳамкорликда тайёрланди

МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИНИ ТўЛАШ

га қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

- а) умумий иш стажига 8 йил ва ундан ортик бўлган ходимларга – иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди;
- б) умумий иш стажига 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга – иш ҳақининг 80 фоизи миқдориди;
- в) умумий иш стажига 5 йилгача бўлган ходимларга – иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди;
- Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари ходимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдор-

ғиш таътили бошланган бўлса, нафақа яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади. Бу қуйидагича:

- а) Ўзбекистон Куролли кучлар сафидаги мuddатли хизматдан бўшатилганда сўнг бир ой ичида касал бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга – республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди.
- б) бошқа ҳолларда – иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди.

Низомда меҳнатга қобилиятсизлик даври учун ходимга нафақа тўланмаслиги мумкин

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида тахсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил даврида;

Ушбу даврларда меҳнатга қобилиятсизлик бошланиб, давом этаётганда, ходим ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб унга нафақа тўланади.

Қуйидаги ҳолларда ходимга умуман меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайди:

- вазифасини бажармаслик мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказилганда;
- жиноят содир қилиш вақ-

га бир маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда. Дам олиш ва ювиниш хоналари улар хизматида. Ишчиларни моддий рабатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхона қрошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик ҳисобиди 59 бош қорамол ва 140 гектар ер майдони бор. Олинаётган фойда меҳнатқашларга тенг тақсимланмоқда, қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишга сарфланмоқда. Зарарли шароитда ишловчиларга берилётган сут-қатик ҳам хўжаликнинг узидан чиқмоқда.

Суратларда: ишчи Мақсуд Рўзметов; уста Эргаш Қурбонов;

И.ХАСАНОВ олган суратлар



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!


"TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

- Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини ишқд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.

- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.

- Автомобилларга боғжона солиғи тўланган.

- Уларнинг сифати тўла кафолатланади.







Мурожаат учун телефонлар:

(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

«МУБОРАК ГАЗ КОНЛАРИ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ, КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Тармоқ ходимларини, фидокор халқимизни яқинлашиб келаётган Янги — 2006 йил билан самимий муборакбод этади.

Жонажон юртимизда тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, меҳр-оқибат барқарор бўлсин!





Самарқанд тумани халқ таълими бўлимига қарашли 66 та мактабда ҳозирги кунда 53 минг 200 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Жорий йилнинг ўзида туманда яна 3 та мактаб қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, 3 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди.

«Дўстлик» жамоа ҳўжалигида жойлашган 6-умумтаълим мактаби қисқа фурсат яъни, беш ой мобайнида қурилиб, мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Барча замонавий кулайликларга эга бўлган мактабда айни пайтда 696 нафар ўқувчи таълим олмақда.

Суратда: аълочи ўқувчи Дилрабо Саидова. Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

БАРЧАГА ШОДЛИК УЛАШИБ

Анджондаги олимпия захиралари спорт коллежида юнон-рум кураши бўйича турнир бўлиб ўтди. Унда Анджон, Фаргона ва Намангандан 1990-1992 йилларда туғилган 185 нафар ёш худвон ўн битта вазн тоифаси бўйича ўзаро беллашди.

Мусобақаларда мезбонлар муваффақиятли қатнашди, уларнинг 10 нафари ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллади. Мусобақа ёш худвонлар Фаргонада бўлиб ўтадиган халқаро турнирда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Жамоа ҳисобида Анджон олимпия захиралари спорт коллежи курашчилари пешқадам бўлди. Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматли совғалар билан тақдирланди.

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Китоб туманининг Сариосиё кишлоғидаги спорт мажмуасига республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўн миллион сўмлик турли спорт жихозлари топширилди.

Вилоятдаги болалар спорт мажмуаларига жағарма томонидан босқичма-босқич янги ва замонавий спорт жихозлари етказиб берилмоқда. Деҳда жамғарманинг вилоят филиали директори Баҳром Авазов. - Шунингдек, 8 та мактабда янгидан барпо этилган спорт заллари 56 миллион сўмлик турли спорт жихозлари билан таъминланди.

(ЎЗА)

Германияда бўладиган жаҳон чемпионатида қуръа ташланганидан бундан қарийб икки ҳафта ўтди. Тахминлар, фаразлар, башоратлар кўпайса кўпайптики, асло қамаймайтми. Ким ғолиб чиқади, қайси жамоада бунинг учун имконият кўпроқ, деган саволларга жавоб топшиш иштиёқида қилни кирк ёрадиган мутахассислар мутасаддилардан тортиб оддий ишчибозгача ўз сўзини айтиб қолишга ошқинмоқда.

Табиийки, «енгил-елли гуруҳ» ёхуд «йилм гуруҳи» каби ташбиҳлар ҳам бот-бот тилга олинган, шундоқ ҳам жумбуша келиб мухлисларнинг юрагига ғуғула солиш тобора авж пардасига чиқмоқда. Кутулганидек ва ҳаммиша бўлиб келганидек, майдон эгаларига гуруҳ баҳсларида ўртаҳол жамоалар рубаруб келиб қолиши: Коста-Рика, Польша, Эквадор. Бунинг аксича, яна Аргентинанинг шўрига шўрва тўкилди. Узоқ Шарқда бўлган чемпионатдаги каби Марадона издошлари тушган гуруҳ жуда кучли кўриниш олди. Узингиз ўйлаб кўринганга, Кот-д'Ивуар, Сербия ва Черногория, Голландия жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш ҳуқуқини берадиган икки йўлданмадан бирини кўлга киритиш осон эканими? Африка футболли тобора ривожланиб бораётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Сербия ва Черногория эса болконча шиддатни ўзида мўжассам этганлиги билан ҳам гоят хатарли. Голланд футболли ҳақида ортиқча таърифга ҳожаз йўқ - Кройф, ван Бастен, Гуллит давомчилири ўзларининг нималарга қодирликларини, албатта намойиш этишга ҳаракат қилишади.

Лекин ўзбекистонлик мухлислар нигоҳи биринчи навбатда «В» гуруҳига қадалган, десак асло муболаға бўлмайди: Англия, Парагвай, Тринидад ва Тобаго, Швеция.

Овчи ён дафтарида

Қиш бошланиб ов қилишга расман рухсат этилган моҳир овчи Мурод амаки Тутли кишлоғи яқинидаги баланд тоғлар оралиғида жойлашган қўйчиовлар ҳузурига тез-тез келиб турадиган бўлди. Бу ерда юз чоғли майда шохли моллар парвариланган, кўра яқинида икки хонали чоккина уйча ҳам бор эди. Хоналарнинг бири чўпон-чўликларнинг дам олишига мўлжалланган, иккинчисига кишлоғини соз ўтказиш учун арпа ва майдаланган омухта ем ҳамлаб қўйилган.

Атроф оппоқ қор билан қопланган кенг ва бепоён қир-адирларда ов қилиш Мурод амаки учун мароқли

ТОҒ ОРАЛИҒИДАГИ УЧРАШУВ

эди. У доимо ов тадоригини кўраётиб ҳуржунга ўқ-дори, қурол-яроғ, узокни ёритувчи чирок ва зарур уст-бошларни ҳозирлаб қўйишни унутмайди. Моҳир овчи жайралар инини кузатаркан, унинг чуқурлиги ва теваракатрофдаги изларига қараб кушандалар сонини олдиндан айтиб бера олади.

Мурод амаки зараркундларнинг тунда ташқарига чиқишини ҳисобга олиб улловини олтиш-етмиш қадам наридаги шувқорга тушовлади. Эшак жониворнинг хушхўр емиш билан бўлиб унчалик узоққа кетмаслиги овчига маълум. Кейин у шамолнинг тоғ чўкиридан паства - жануб томонга эсишини аниқлаган, кун ботишдаги бутазорлар оралиғига жойлашиб олиб, кўлда ўқоқлик бешотар билан кушандаларни поилшага тушди.

Ҳадемай қуёш ботиб, теварак-атрофга қоронғилик чўка бошлади. Шу орада шарпа кўзга ташланди. Унинг юришидан жайра эканлигини Мурод амаки айланди. Афтадан теваракатрофдаги хавф-хатарни билди мақсадидан у индан чқканди. Орадан беш-олти дақиқа вақт ўтган жайралар тўдаси бирин-кетин нинача-

ланини шикрилатганича бутазорлар оралаб кела бошлади. Кутилмаганда кушандалар овчига рўпара бўлишиб, бир

бўлиб кўрага яқинлашган пўстинли бегона кишининг салом йўқ, алик ҳам йўқ дабурустандун гўшт сўрагани Мурод амакининг энсасини қотирди.

- Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, - деди овчи киноя билан.

- Сиз балосиз, худди билгандай топиб гапирдингиз, - деди чўпонларнинг ёши улуги овчининг гапини қувватларкан.

Пўстинли йигит кулоғига қизариб кетди.

Мазали таомдан сўнг бирдан икки киши яхши, деганларидек қор ўқунлаб туришига қарамай, халиги пўстинли йигит овчининг рухсатини олган кўлга бел-қурак олиб икковлон тоққа кўтарила бошлади.

Мурод амаки тунда ов қилган яланглик ва қир-адирларни қанча елиб-югуриб кўздан кечирмасин, барибир охириги ўлжасини топа олмади. Ниҳоят, улар жайра инини бузишга киришдилар. Шунда жароҳатланган кушанданинг инига бекиниб олиб, жон сақлагани маълум бўлди. Охириги ўлжа ҳам хуржунга жойланди.

Шу кун улар хориб-чарчаб, аччиқ совуқ ўз қулоқларини чимчиласа-да, тоғу тош ва чакалакзор оралаб алламаҳалгача овда бўлишди. Энг қизиғи, ўқ-дори тургаб бўри, тўнғиз каби йирткиларга дуд келишди. Хайрият, улар индамайгина кўздан ғойиб бўлишди. Юк ортилган улловнинг нотекис йўлларда имиллаб юриши пўстинли йигитнинг гашини кўзитарди. Эшакни урган билан от бўлмас. У ов қийинчиликларини шундагина англай бошлади. Қади-йўлдан олтиқчи ҳам йиқитиб, чўпонлар келмагунча қўйиб юбормаслигини кўп эшитган.

Тонг ёришгач, чойдан сўнг ўчоққа ўтин қалаб олов ёқилди. Қозондаги жайра гўштининг ёқимли хиди атрофни тугтиб, иштаҳани кўзитарди. Шу пайт тайёр ошга бақовул

ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ БИЛАН

ган Бахрайн қўлидан йўллангани юлиб кетган айнан шу КОНКАКАФ вакили - Тринидад ва Тобаго деб аталувчи мамлакат вакиллари эди-ди! Ахир бахт қулиб боқиб, Англия ва Швеция каби футбол салтанати тикланган жамоалар билан куч синлашиб кўрсак, бироз бизнинг мушғимизни «пишт» деярмиди?!

Куръа ташлаш жараёнида бир қарашда кўзга ташланмайдиган қатор ажабтовур ҳолатлар ҳам юзага чиқиб қолди. Бундай ҳодисалар одатда тақдир ўйини, дея таъриф таъсиф этилади. Биз 2006 йилда футбол тарихида биринчи марта тушишган ака-укаларнинг бир-бирига қарши тўп суришининг шохидига айланамиз.

Бейхитёр савол туғилиши таби-

Ана ҳолос!

ганда, «F» гуруҳини ташкил этишди. Демак, хохлашадими, йўқми, ўзлари либосини кийган мамлакат шарафини ҳимоя қилишга бурчлидирлар.

Антиқа ўхшашлиғу зиддиятлар шу билан тугамайди. Бу ёқда яна Англия терма жамоаси бош мураббийи Свен-Ёран Эрикссон турибди. Миллати швед бўлган мутахассис ўзи туғилиб ўсган ва яна қайтиб бориб яшайдиган она ватани Швециядан Германияга ташриф этадиган футбол жамоасининг курагини ерга тегишиш учун бутун куч ва тажрибасини ишга солишга мажбур. Касб-кори шуни тақозо этади. Унга қолса, «В» гуруҳидан Англия ва Швеция кейинги босқичга чиққани маъқул. Бордиро, иш чаппасидан кетиб, Англиями ёки Швециями бунинг улдасидан чиқолмас ва айнан бунга ушбу икки жамоа ўртасидаги учрашувда қайд этилган натижа сабаб бўлса-чи?!

Футбол шуниси билан қизиқ. Гарчанд латиғида айтилгандек, у томондан ўн битта, бу томондан ўн битта одам майдонга тушиб, бир колпакни тепсалар-да, ҳеч бир ўйин бошқасини такрорламайди. Нимаси биландир аввалгисидан фарқланган, нимаси биландир илгари кузатилмаган тасассурут қолдиради. Балки, биз футболнинг шунинг учун сеवारмиз ва лотерея билетига умидвор боққандек юрагимизнинг энг тўрида сақлармиз.

Мухлис ахли шунчаки - 2005 йилда 2006 йил билан мулоқотга киришди. 2010 йилга назар ташлашга қодир. Эртани ўйлаб, умид билан яшаганга нима етсин.

З.РИХСИЕВ

Ана ҳолос!

ганда, «F» гуруҳини ташкил этишди. Демак, хохлашадими, йўқми, ўзлари либосини кийган мамлакат шарафини ҳимоя қилишга бурчлидирлар.

Антиқа ўхшашлиғу зиддиятлар шу билан тугамайди. Бу ёқда яна Англия терма жамоаси бош мураббийи Свен-Ёран Эрикссон турибди. Миллати швед бўлган мутахассис ўзи туғилиб ўсган ва яна қайтиб бориб яшайдиган она ватани Швециядан Германияга ташриф этадиган футбол жамоасининг курагини ерга тегишиш учун бутун куч ва тажрибасини ишга солишга мажбур. Касб-кори шуни тақозо этади. Унга қолса, «В» гуруҳидан Англия ва Швеция кейинги босқичга чиққани маъқул. Бордиро, иш чаппасидан кетиб, Англиями ёки Швециями бунинг улдасидан чиқолмас ва айнан бунга ушбу икки жамоа ўртасидаги учрашувда қайд этилган натижа сабаб бўлса-чи?!

Футбол шуниси билан қизиқ. Гарчанд латиғида айтилгандек, у томондан ўн битта, бу томондан ўн битта одам майдонга тушиб, бир колпакни тепсалар-да, ҳеч бир ўйин бошқасини такрорламайди. Нимаси биландир аввалгисидан фарқланган, нимаси биландир илгари кузатилмаган тасассурут қолдиради. Балки, биз футболнинг шунинг учун сеवारмиз ва лотерея билетига умидвор боққандек юрагимизнинг энг тўрида сақлармиз.

Мухлис ахли шунчаки - 2005 йилда 2006 йил билан мулоқотга киришди. 2010 йилга назар ташлашга қодир. Эртани ўйлаб, умид билан яшаганга нима етсин.

З.РИХСИЕВ

Айтилган, айтилмаган гаплар

латиб, ғайритабиий овоз билан мағлуб кўкрагига чанг солади ва юрагини сугуриб олади...

Бу сюжетни ёвузлик билан йўғрилган кинолардан бири. Шунчаки киноларга болаларда иштиёқ балинд. Бунинг кўрған болада ёвузликка мойиллик ўйғонмайди, дейсизми? Кейин кино «кахрамон»ларга тақлидан ҳаракат қилади. Бор гап, ҳаётди ҳақиқат ш.

ТАРБИЯНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Модомики, гап ҳар хил жангари киноларнинг бола тарбиясига кўрсатаётган таъсири хусусида кетар экан, «ойнажаҳон» орқали намойиш этилаётган баъзи бир сериаллар хусусида ҳам тўхталмоқ керакка ўхшайпти. Бир нарсага тушуна олмайсиз: айшу ишратга мўқка тушган ярим яланғоч аёллар воситасида талқин этилаётган оилавий иқрир-чиқирлар, маиший можораларни кўрсатишдан мудоаю нима экан? Курақда турмайди экан сюжетни қаранг: ота уйланимочи бўлган бир қизини ўғил севиб қолади. Қанақа ахлоқ бу ўзи, қанақа тарбия? Эҳтимол фарбада бу ҳолатлар эриш туюлмас, аммо биз учун ғайриодатий, ғайримиллий. Сериални катталар ҳам мазза қилиб кўраётганини кўриб энсангиз қотеди. Буларни одамлар оила даврасида кўришлари нақадар аянчли. Уй бекаларини қўя турайлик. Зериккандан кейин кўради-да. Аммо ҳақиқ сўяги котиб улгурмаган қизу ўғилларимиз кинодан олган хулосасини тасаввур этиб

бўлмайди. Юқорида айтганимиздек, ота-она фарзандини бошқалардан ажралиб туриш мақсадида қиладиган хатти-ҳаракатдан тиймоғи керак. Хар ҳолда у нарсалар дунёқарашни белгиламайди.

Баъзи талбаларнинг юриш-туриши, савияси ўқув юртига ўз кучи билан кирганлигига шубҳа ўйғотди кишида. Бўлса борди. Тўғриси, бундайлар ҳаммиша бўлган. Айниқса, ҳозирги кунда яққол кўзга ташланилади. Чўнтақда «истаганча пул, қўлда «сохта»... Айримлари ўқишга машинада келишади. Хар кун катта йўл ёқасида ўнлаб турли русумдаги автомашинлига туради. Уларнинг аксарияти талабаларники. Фарзанд тарбияси учун «жонқуяр» «казо-казо»лар «болам бировдан кам бўлмасин», дейишганда...

Афсусланарли жиҳат шундаки, айни илм заҳматлари кечиши, китоблардан бош кўтармаслиги лозим бўлган бир пайтда, улар энгил-елли турмушга «мехр» қўйишган. Иштихонларни бир амалласа бўлади.

Мавзуга бир мақола доирасида нукта қўйиб бўлмас. Ёзганларимиз тарбия хусусида айтилиши керак бўлган гаплардан томи ҳолос. Яна бир нарса: битганларимизни мулоҳаза тарзида қабул қиларсиз, деган умиддамиз. Лекин, нима бўлганда ҳам бир мудоаю бор: келажак авлодни Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «...биздан ҳам билимли, ақлли...» кўрмоқ. Бунга мен ҳам, сиз ҳам, у ҳам - ҳаммамиз масъулмиз.

И.КАРОМОВ



Спорт оламида

Футбол

ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ КЛУБИ
Бу ҳақда сўз борганда, жуда кўпчилик Мадриднинг «Реал», Лондоннинг «Челси» ёхуд Миланнинг «Милан» жамоаларини тилга олади, албатта. Зидан, Бекхэм, Роналдо, Лэмпард, Швенченко каби юлдузлар тўп сурадиган клубларни мухлислар бежизга севишмайди ахир!

Лекин футбол амалиёт билан жозибали. Айнан шу ҳақиқатга кўра Англиянинг «Ливерпул» ҳамда Бразилиянинг «Сан-Пауло» командалари Кунчиқар мамлақатида ташкил этилган клублар ўртасида жаҳон чемпионати финалида учрашдилар. Интиҳода эса хар иккала жамоа ўз юртлари чемпионатида ҳатто ўзини йили совриндор ҳам бўлишмаган. Лекин ирода ва маҳорат ўғунлиги уларга энг кучли деган шараф тожи томон қадам-бақадам етиб келиши имконини берди.

Финал баҳси, кўпчиликнинг эътирофига, тренерларнинг тактик беллашуви билан эҳди қоладиган бўлди. Табиатан техник маҳорат соҳиблари бўлмиш ва айнан шунга кўра ҳужумкор ўйин намойиш қилишга одатланган бразилияликлар асосан ҳимояга зўр бериб, ўз эътиборларини қарши ҳужумга қаратган бўлсалар, бунинг аксича рационал футболни ўзига эп билган англияликлар асосий вақтни рақиб дарвозаси ёнида ўтказдилар ва энг қизиғи, энг кам ҳужум қилган жамоа галаба нашинфузули мусобақа якуни гоят қизиқариб ўтди. 23 ёшли гроссмейстер жаҳоннинг собиқ чемпиони украиналик Руслан Понамареви доғда қолдириб, бош соврин эгасига айланди.

Дастлабки асосий микроматч дуран билан тугаган, яна иккита қисқартирилган партия белгиланди. Бу гап ерванлиқ шохмотчи ўзини кўлга ола билди ва бир ўйинда дуранг, бошқасида эса галабага эри-

УЧРАШУВДА

ГАЛАБА ҚОЗОНИШДИ

Бунақаси камдан-кам ҳолларда юз беради. Аёллар ўртасида Россия терма жамоаси Жаҳон чемпионатида гуруҳ учрашувларидан бошланган галабали серияни финалга қадр давом эттирди.

Финалда Евгений Трефилов шоғирдлари Руминия жамоасини 28:23 ҳисобида мағлубиятга учратди. Умуман*россияликлар қаторасига ўнта матчда ўз рақибаларидан устунлик қилишди.

2001 йилда Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам Россия терма жамоасига тенг келадиган рақиб топилмаган.

Теннис

МАРИЯ АТИРИ

Реклама — яхши бизнес. Чамаси машҳур теннисчи Мария Шарاپова ҳам шу йўлни танлаган кўринади. Айни кунларда у Япония бўйлаб кўрғазмали сафарга отланмоқда. М.Шарапова Осака, Нагайо ва Токио шаҳарларида бўлиши кутилмоқда.

Сафар чоғида Мария япониялик энг кучли теннисчи Аи Сугияма билан ўртоқлик учрашувлари ўтказида ва ўз номи билан аталувчи атирни реклама қилади.

М.ИБРОҲИМОВ тайёрлади

УзКУФК Курортлар бошқармаси жамоаси бошқарманинг ҳужук масалалари бўйича етакчи мутахассиси Г.Абдурахмоновага отаси

Собиржон АБДУРАХМОНОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш ҳодимлари қасаба уюшма кенгаши кенгашининг Янгийўл тумани бўйича вакили Абдуқаҳор Акбаровга турмуш ўртоғи

РИХСИНО

аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топшириди - 21.20

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

9 3 4 5 6